

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

**“Банк-молия хизматлари” факултети**

**“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси**

**“Химояга тавсия этилди”**

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р. Зайналов

Баённома №10 в 2018 йил 23 май

**5230600 – “Молия” таълим йўналиши**

**МК-И-514 гуруҳ талабаси**

**Буронов Ферузнинг**

**“САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН  
РИВОЖЛАНИШНИ МОЛИЯВИЙ ҚУЛЛАБ-ҚУВАТЛАШНИ  
ШАКЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ”**

(Самарқанд шаҳар иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бўлими маълумотлари бўйича) мавзусидаги

## **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:** асс. Ахроров З.О.  
**Илмий маслаҳатчи:** Усманов С.  
– Самарқанд шаҳар иқтисодиёт ва  
худудларни комплекс  
 rivожлантириш  
 бўлими бошлиғи

**САМАРҚАНД – 2018**

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
I БОБ. ИНВЕСТИЦИОН ИМКОНИЯТЛАР ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ .....	7
1.1. Инвестицион имкониятларни устувор йўналишлари.....	7
1.2. Иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция фаоллигини таъминлаш зарурияти.....	11
1.3. Инвестицияни саноатга жалб этишни истиқболи.....	14
II БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛЬ ЭТИЛИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ .....	19
2.1. Саноатни қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестицион имтиёзлар ва инвестицияларни тақдим этишни жорий амалиёти.....	19
2.2. Саноатда инвестицион ривожланишни молиявий қўллаб-қувватлаш омиллар ва таҳлили .....	23
2.3. Инвестицион ривожланишни молиявий қўллаб-қувватлаш механизmlари .....	29
III БОБ. ИНВЕСТИЦИОН РИВОЖЛАНИШНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	35
3.1. Саноат корхоналарини инвестицион фаолиятини ривожлантиришни амалга оширишни қўллаб-қувватлашни мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни .....	35
3.2. Саноат корхоналарини инвестицион ривожланишини молиявий қўллаб қувватлаш истиқболи .....	42
3.3. Саноат корхоналарида инвестицион ривожланишни молиявий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш .....	47
IV-БОБ. САМАРҚАНД ШАҲАР ИҚТИСОДИЁТ ВА ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЛИМИДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ.....	53
4.1. Ҳаёт фаолияти меҳнат муҳофазасининг қонуний асослари .....	53
4.2. Самарқанд шаҳар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимида меҳнат фаолиятини муҳофазасининг ҳолати .....	54
4.3. Самарқанд шаҳар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимида ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора тадбирлари .....	56
4.4. Самарқанд шаҳар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимида фаолият кўрсатаётган ҳодимларга тиббий ёрдам қўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари.....	59
ХУЛОСА .....	64
ФОЙДАЛАНИЛГАН АБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	67

## **КИРИШ**

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқдир. Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтиrmай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас.

Мамлакатимизда ҳозирги пайтда инвестициялардан фойдаланиш учун қулай инвестиция муҳити яратилган. Бу қулайликлар улар учун яратилган турли давлат кафолатлари ва имтиёzlарида ўз аксини топган. Ҳар бир мамлакатнинг инвестиция муҳити, биринчи навбатда, унинг сиёсий барқарорлигидадир. Ҳудди ана шу омил чет эллик инвесторларнинг бошқа мамлакатга узоқ муддатли шартномалар асосида ресурсларни жалб қилиш имкониятини беради.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда дунё мамлакатларн ўзининг иқтисодий, ижтимоий салоҳиятини оширишга, туб аҳолини муносиб турмуш даражаси билан таъминлашда ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун эса улар ўз иқтисодиётини мунтазам модернизация қилиб боришига мажбурдирлар. Чунки глобаллашув жараёнлари жадаллашиб бораётган бугунга кунда дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлши на кучли рақобатга бардош берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва янги хизматлар турларини яратишни ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни инновциялар асосида такомиллаштиришни талаб этмоқда.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Саноат корхоналарини инвестицион ривожланишини молиявий қуллаб-қуватлаш зарурлиги, иқтисодий ўсишга эришишда инвестицияларнинг таъсирини аниқлаш каби масалалар илмий адабиётларда МДХ мамлакатлари, жумладан россиялик

иқтисодчи олимлар П.И. Вахрин ва А.С.Нешитойлар<sup>1</sup>, Н.В. Игошин<sup>2</sup>, С.В. Валдайцев, П.П. Воробьев ва бошқалар<sup>3</sup> Я.С. Мелкумов<sup>4</sup>, Г.И. Иванов<sup>5</sup>, В.П. Жданов<sup>6</sup> сезиларли илмий изланишлар олиб боришга эришган. Ўзбекистон иқтисодиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, тартибга солишининг илмий-амалий масалалари бўйича С.С. Фуломов, М.Қ. Пардаев, О.Ю.Рашидов, Б.Б.Беркинов, Б.Ғойибназаров, Д.Ғ.Ғозибеков ва бошқалар чуқур изланишлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг устувор йўналишлари, ушбу жараёнга хорижий инвестициялар жалб этиш муаммолари, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялашнинг илмий-услубий масалалари бўйича мамлакатимиз олимлари – Ваҳобов А.В., Беркинов Б.Б., Фофуров У.В., Сайдова Г.К., Тўхлиев И.С., Холматов Н.Б., Қодиров А.М., Ходиев Б.Ю<sup>7</sup>. ва бошқалар илмий тадқиқот олиб борганлар.

**Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари.** Битирув малакавий ишининг мақсади саноат корхоналарини инвестицион ривожланишини молиявий қуллаб-куватлашни шакллантириш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

<sup>1</sup> Вахрин П.И., Нешитой А.С. Инвестиции: Учебник. – З-е изд., перераб. И доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2005. С.13.

<sup>2</sup> Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.С.81

<sup>3</sup> Инвестиции: Учебник /С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др.; Под ред. В.В. Ковалева, В.В. Иванова, В.А. Лялина. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. С.17

<sup>4</sup> Мелкумов Я.С. Инвестиций: Учебное пособие. –М.: ИНФРА-М, 2003. С.8.

<sup>5</sup> Иванов Г.И. Инвестиции: сущность. Виды, механизмы функционирования /Серия «Учебники, учебные пособия», Ростов н/Д: Феникс, 2002. С.24-25.

<sup>6</sup> Жданов В.П. Инвестиционные механизмы регионального развития. – Калининград, БИЭФ, 2001. С.121.

<sup>7</sup>Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Фофуров У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантикий босқичи. – Т.: ТДИУ, 2008. – 53 б.; Сайдова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке /«Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май; Вахабов А.В. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш моделлари ва улардан ўзбекистонда ижодий фойдаланиш йўналишлари. //“Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг долзарб масалалари: хориж тажрибаси, муаммолар, истиқболлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: 2012. – Б.5; Тўхлиев Н.Т. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялашнинг зарурияти ва шарт-шароитлари//“Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг долзарб масалалари: хориж тажрибаси, муаммолар, истиқболлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: 2012.

**Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, ишда куйидаги вазифалар белгиланди:**

- инвестицион имкониятларни устувор йўналишларининг назарий асослари ёритилди;
- иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция фаоллигини таъминлаш зарурияти ўрганилди;
- инвестицияни саноатга жалб этишни истиқболи асослаб берилди;
- саноатни қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестицион имтиёзлар ва инвестицияларни тақдим этишни жорий амалиёти ўрганилди;
- саноатда инвестицион ривожланишни молиявий қўллаб-қувватлаш омиллар ва таҳлили амалга оширилди;
- инвестицион ривожланишни молиявий қўллаб-қувватлаш механизmlари аниқланди;
- саноат корхоналарини инвестицион фаолиятини ривожлантиришни амалга оширишни қўллаб-қувватлашни мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни таҳлил қилинди.

**Битирув малакавий ишининг обьекти** бўлиб Самарқанд вилоят Иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш Бosh бошқармаси танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** инвестицион имкониятларни ривожлантиришда саноат корхоналарига инвестицияларни жалб этилишини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш йўллари бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқотни амалга оширишда қиёсий таҳлил, тизимли ёндошув, иқтисодий ва статистик таҳлил усусларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг ахборот базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат инвестиция қўмитаси ҳамда Самарқанд вилоят Иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш Бosh бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди.

## **Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- инвестицион имкониятлар ва уларни ривожлантириш тенденциялари;
- саноат корхоналарида инвестицияларни жалб этилишини қўллаб-куватлашда юзага келаётган муаммолар ва уларни ечиш йўллари;
- инвестицион ривожланишни молиявий қўллаб-куватлашни такомиллаштириш йўллари.

**Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги илмий асосланган таклиф ва тавсиялардан саноат корхоналари бўйича амалиётида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида “Инвестиция” фанини ўқитишида фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот ишининг натижалари Самарқанд вилоят Иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш Бош бошқармасида муҳокама этилган (31.05.2018 даги жорий қилиш ҳақида далолатнома) амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Битирув малакавий ишининг асосий мазмуни ва натижалари ушбу мавзуга бағишланган кафедранинг илмий семинарида ахборот берилган.

Битирув малакавий иши “Молия ва сугурта хизматлари” кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган (22 май 2018 йил).

**Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми.** Битирув малакавий иши таркибий жиҳатдан кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот матни 71 бет бўлиб, унда 6 та жадвал, 5 та чизма ва 3 та диаграмма мавжуд.

## **I БОБ. ИНВЕСТИЦИОН ИМКОНИЯТЛАР ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

### **1.1. Инвестицион имкониятларни устувор йўналишлари**

Ўзбекистон Республикасида кулай сармоя мухитини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Уларнинг негизида иккита асосий омил ётади:

- иқтисодий барқарорлик;

- инфляция жараёнларини тартибга солиш ва миллий валюта – сўмнинг тўлов қобилиятини оширишга йўналтирилган макроиктисодий сиёсат, Ўзбекистон Республикасида инвестиция соҳасидаги ҳозирги вазият иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичига ўтилиши билан белгиланади. Давлат бюджети камомади қисқариши, инфляция камайиши шароитида ишлаб чиқаришда инқироз тўхтатилиши, капитал курилиш фаоллашуви, ташки савдода ижобий сальдо кўпайиши ушбу жараёнга хос хусусият ҳисобланади. Иқтисодий ислоҳотлар ўтказилиши натижасида инвесторларнинг мулкка эгалик қилиш хукуқлари ҳимояланди, ишлаб чиқаришни тартибга солишнинг нарх механизmlари такомиллашди. Фонд бозори орқали сармоянинг бир соҳадан иккинчи соҳага ўтиши, таъминланади. Натижада, инвестиция лойҳаларини молиялашнинг турли механизmlари ривожланади.

Ўзбекистон худудида хорижий компаниялар фаолиятининг хукуқий асосларини шакллантириш жараёни такомиллаштирилмоқда. Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантирувчи чора-тадбирларнинг бутун бир мажмуи ишлаб чиқилди.

2008 йилда, республикамизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар эндинга вужудга келаётган пайтда уларнинг сони 191 тани ташкил этган бўлса, 2009 йилда 368 та қўшма корхона, 2010 йилда 237 та, 2011 йилда 380 та, 2012 йилда эса 537 та қўшма корхона рўйхатдан ўтказилди. 2013 йил 1 апрелгача бўлган ҳолатга кўра, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган хорижий сармояли корхоналар сони 2191 тани ташкил этиб, шундан 386 таси шўъба ёки соф чет эл корхоналаридан

иборат бўлди. 2014 йил охирига келиб, улар сони 3 мингтага етди. 2015 йилда эса хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони 3594 та ва 2016 йилда 3445 тани ташкил қилган бўлса 2017 йилга келиб уларни сони 5000 дан ошиб кетди.

Энг кўп қўшма корхоналар Туркия компаниялари билан тузилган бўлиб, уларнинг сони 223 тадан иборат. Россия билан – 181 та, АҚШ билан - 172 та, Покистон билан -145 та, Буюк Британия билан 62 та, Жанубий Корея билан - 32 та, Германия билан - 23 та қўшма корхона тузилган.

2008 йилда хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий капитал қўйилмалар миқдоридаги улуши 24,4 фоизни, 2009 йилда эса хорижий сармояларнинг умумий миқдори капитал қўйилмалар умумий миқдорига<sup>1</sup> нисбатан 21,7 фоизни ташкил этган бўлса 2017 йилда бу кўрсаткич 27,3 фоизни ташкил этди.

2008-2017 йилларда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар миқдорида Тошкент шахри улуши 76,8 фоизни ташкил қилди. Республика вилоятларининг қўшган улуши қўйида (1.1-жадвал) келтирилган.

1.1-жадвал

**2008-2017 йилларда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот, бажарган ишлар ва кўрсатган хизматлар миқдорининг минтақалар бўйича тақсимоти (%)**

Қорақалпоғистон Республикаси	0,2
Андижон вилояти	0,8
Бухоро вилояти	1,4
Жizzах вилояти	1,2
Қашқадарё вилояти	0,7
Навоий вилояти	5,3
Наманган вилояти	1,4
Самарқанд вилояти	5,3
Сурхондарё вилояти	0,2
Сирдарё вилояти	0,4
Тошкент шахри	76,5
Тошкент вилояти	16,2
Фарғона вилояти	1,7
Хоразм вилояти	2,4

Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг пойтахтда ва пойтахт вилоятида тўпланиши, бизнинг назаримизда, нафақат бу жойда иқтисодий ва ижтимоий инфратузилма нисбатан ривожланганлиги билангина эмас, балки инвестицияларни жалб этиш учун минтақавий сиёсат мавжуд эмаслиги билан ҳам боғлиқдир.

Валютани эркин айирбошлаш билан боғлиқ бўлган вақтинчалик муаммолар ҳам инвестиция бозорининг ривожланишига таъсир қилмоқда. Тажриба шуни қўрсатадики, эркин айирбошлаш ҳуқуқини олиш бўйича белгиланган мавжуд тартиблар инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини ҳали етарли даражада рағбатлантиришга йўналтирилмаганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишнинг ўсиш суръати кўп жиҳатдан турли инвестиция муассасалари фаолияти кучайиши, қимматли қоғозлар бозорининг ташкил топиши, инфляция жараёнлари бартараф қилиниши ва ишлаб чиқаришнинг барқарорлашишига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга инвестициялар жалб қилиниши 2017 йилда жалб этилган инвестицияларнинг 16,8 фоизи Қашқадарё вилоятига, 23,9 фоизи Тошкент шахрига, 7,4 фризи Фарғона вилоятига тўғри келган. 2017 йилда эса Қашқадарё вилоятида бу қўрсаткич 0,1 фоизга кўпайган, Тошкент шахрида эса 0,3 фоизга ва Фарғона вилоятида - 1,0 фоизга камайган (1.2-жадвал).

Жиззах вилоятида (2008 йилда - 2,1 фоиз ва 2017 йилда - 2,3 фоиз), Сурхондарё вилоятида (2008 йилда - 3,3 фоиз ва 2017 йилда 3,4 фоиз) ва Сирдарё вилоятида (2008 йилда 2,3 фоиз ва 2017 йилда - 2,0 фоиз) асосий капиталга инвестицияларнинг салмоғи жуда ҳам пастдир. Бу ҳолат эса мамлакатимизда юритилаётган инвестиция сиёсати талаблари ва минтақаларда иқтисодий аҳволни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар сустлик билан олиб борилаётганлигидан далолат беради.

2008-2017 йиллар мобайнида банклар инвестицияларининг катта қисми саноатнинг устувор тармоқларидағи инвестиция лойиҳаларини пул билан таъминлашга сарфланди.

1. инвестицияларнинг бешта асосий манбаи мавжуддир;
2. давлат бюджети томонидан қилинадиган сарфлар;
3. корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари;
4. банк кредитлари;
5. хорижий инвестициялар нобюджет жамғармалар. Кейинги йилларда инвестициялар таркиби, хусусан, бюджетдан ажратиладиган инвестициялар ва банк кредитлари аҳамияти кескин ўзгарди. Давлат бюджетининг инвестиция сарфлари 2010 йилда 29,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда - 0,9 фоизга кўпайган, яъни 30,3 фоизни ташкил этди. Бу кўпайиш, асосан, Хоразм вилоятида (2017 йилда 2010 йилга қараганда 14,6 фоизга), Сурхондарё вилоятида (15,8 фоизга) ва Андижон вилоятида (13,4 фоизга) кўпайганлиги туфайли содир бўлган.

Монетар сиёсатнинг кучайтирилиши ва кўпчилик корхоналар молиявий аҳволининг барқарор эмаслиги корхона ва жисмоний шахслар маблағларидан таркиб топадиган инвестициялар ҳажмига ўз таъсирини кўрсатди. Ушбу ҳолат саноат корхоналарни ривожоантиришни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаши фаолият бермоқда.

**Инвестиция фаолияти асосий кўрсаткичлари<sup>8</sup>**  
**(2000-2017 йиллар учун)**

	Асосий капиталга инвестициялар	
	ЯИМга нисбатан фоизда	
	2000 йил	2017 йил
Ўзбекистон Республикаси	100	100
Қорақалпоғистон Республикаси	6,4	5,1
Андижон	5,4	5,0
Бухоро	4,6	4,1
Жиззах	2,1	2,3
Қашқадарё	16,8	16,9
Навоий	5,4	6,4
Наманган	4,1	5,5
Самарқанд	6,0	5,7
Сурхондарё	3,3	3,4
Сирдарё	2,3	2,0
Тошкент	6,0	7,1
Фарғона	7,4	6,4
Хоразм	4,0	3,4
Тошкент шаҳри	23,9	23,6

**1.2. Иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция фаоллигини таъминлаш зарурияти**

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тарақкиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қиласди. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат - миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кечайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Шу билан бир вақтда, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувининг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан. турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда

<sup>8</sup> Жадвал Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган (2000-2017 йиллар учун)

бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иктисодий ривожланиш жиҳатидан тафоввутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қиласди. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати - жаҳоннинг бир мамлакатида рўй берадиган ижтимоий-иктисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти 2008-2010 йилларда бошидан кечирган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Бу жиҳатларни ўрганган холда, шуни таъкидлаш лозимки, мамлакат сароатида инвестицион фаолликни таъминламай туриб миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишига, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига эришиб бўлмайди. Шунга кўра, ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион фаолликни таъминлаш ҳар бир мамлакатнинг стратегик мақсади; ҳисобланади. Инвестицион фаоллик иқтисодиётнинг турли даражаларида амал қилиб, уларни қўйидагича гурухлаш мумкин:

- 1) миллий иқтисодиёт даражасидаги инвестицион фаоллик;
- 2) муайян минтаقا даражасидаги инвестицион фаоллик;
- 3) алоҳида хўжалик субъекти (корхона, бирлашма ва х.к.) даражасидаги инвестицион фаоллик.

Саноатда инвестицион фаолликнинг аҳамияти, унинг миллий иқтисодиёни ривожлантиришдаги ролини очиб беришда Биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг: “Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик янгилашга йўналтирилган инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини барчамиз тушуниб олишимиз керак” деб таъкидлаши, бу жараёнга Ўзбекистонда нечоғлик даражада урғу берадигандан далолат беради.

Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимиз саноати инвестиция жараёнлари ва уларнинг йифиндисидан таркиб топадиган инвестицион фаолиятни бозор иқтисодиётига мос равишда ташкил этиш мақсадида қатор иқтисодий ва хуқуқий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолиятига даҳлдор қонунлари, Президент Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарор ва меъёрий хужжатлари қабул қилинди. Уларга таяниб иш кўрилгани боис республика иқтисодиётига, шу жумладан, саноатга инвестицияларни жалб этиш жараёни жонланди, маълум инвестицион муҳит шаклланди. Хусусан, реал сектор иқтисодиёти учун ажратиладиган инвестициялар ҳажми, энг аввало, бу соҳадаги инвестиция фаоллиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, маълум вазифаларни бажаришга қаратилгандир.

Бу эса, ўз навбатида, саноатнинг барча соҳаларида барқарорликни таъминлаш билан бирга, ижтимоий-иктисодий ҳолатни ҳам ижобий томонга ўзгартириди. Саноатда инвестиция жараёнларини кучайтириш, уларнинг фаоллигини ошириш бевосита миллий иқтисодиётнинг ҳолати ҳамда унга жаҳон ҳамжамиятининг таъсири билан ҳам боғлиқ.

Саноатда инвестиция фаолиятини тартибга солиш, хуқукии нуқтаи назардан, турли мулкдорлар ўртасида моддий ва номоддий активларни такрор ишлаб чиқариш хусусидаги ўзига хос, мураккаб, ижтимоий зарур иқтисодий (инвестиция) муносабатларини шакллантириш меъёрларини назарда тудади. «Инвестиция фаолияти тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг (1998 йил 24 декабр) қонункга мувофиқ:

- саноатда инвестиция фаолияти – инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириши билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуидир;
- инвестициялар-саноати ва бошқа фаолият обьектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир хуқуқлардир;
- инвестор - ўз маблағларини, қарзга олингол за жалб этилган

маблағларни, мулкий бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек интелектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига инвестициялашни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъектидир;

- реинвестиция - инвесторнинг фаолияти натижасида олинган фойдани (даромадни) муомалага киритишдир.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Чет эл инвесторлари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисидаги» қонунлари ва бошқа қонун хужжатлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Молия назариясига кўра, инвестициялар булажак натижаларни қўлга киритиш мақсадида моҳиятан ҳозирги харажатларни билдиради ёки, инвестициялар ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатdir. Бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларнинг онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан боғланишини келтириш мумкин.


Юқоридаги фикрдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, агар бирор-бир инвестор ўзи яшаётган давлат ёки минтақадаги бир нечта мамлакатлар ичидан алоҳида бир давлатни танлаб олиб, унинг иқтисодиётига ихтиёридаги инвестиция ресурсларини сарфлай бошласа, ишонч билан айтиш мумкинки, ўша жойда инвестиция муҳитини белгилаб берувчи инвестиция сиёсати тўғри ва оқилона ташкил этилган.

### **1.3. Инвестицияни саноатга жалб этишни истиқболи**

Давлатнинг замонавий макроиқтисодий сиёсати доирасида яратилган қулай ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва инвестицион муҳитда, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, Ўзбекистонда 2017-2021 йилларга белгиланган харакатлар стратегияси ва шу йилларга мўлжалланган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш дастурлари талаблари доирасида

худудлар, жушладан Самарқанд шаҳри инвестицион салоҳиятини янада ошириш долзарб муаммо ҳисобланади. Чунки худудларнинг аксарияти инвестициялар бозори салоҳиятидан тўлиқ фойдалана олмаяпти, уларнинг инвестицион фаоллиги Самарқард шаҳри ва Қашқадарё вилоятидан ташқари, бошқа вилоятларда ниҳоятда пастдаражада (**1.1-диаграмма**).

Хусусан, 2009 йилда Тошкент шаҳрига жалб қилинган хорижий инвестициялар хажми 144 млн. АҚШ долларидан иборат бўлса, бу мамлакат худудларига жалб этилган жами инвестициянинг 33,5 фоизини ташкил этади. Шунингдек, Қашқадарё вилоятида эса бу кўрсаткич 32 фоизни, Тошкент вилоятида 9,7 фоизни, Фарғона вилоятида 4,9 фоизни, Андижон вилоятида 4,6 фоизни, Самарқанд вилоятида 3,1 фоизни, Сирдарё вилоятида 2,6 фоизни, Бухоро вилоятида 2,1 фоизни, Жиззах вилоятида 1,8 фоизни, Наманганд вилоятида 1,7 фоизни, Навоий вилоятида 1,6 фоизни, Сурхандарё вилоятида 0,9 фоизни, Хоразм вилоятида 0,8 фоизни, Қорақалпоғистон Республикасида эса бу кўрсаткич 0,3 фоизни ташкил этган.



**1.1-диаграмма. Ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида 2017 йилда жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми**

Қулай инвестиция мухитини юзага келтиришга қаратилган давлатнинг фаол инвестиция сиёсати 2017 йилда мамлакат иқтисодиётига

йўналтирилган хорижий инвестициялар, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг ўсиб борувчи тенденция ҳосил қилаётганлигини ҳамда иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида тенг тақсимланишни таъминламоқда. Бунда 2017-2021 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат инвестиция дастурини амлга ошириш мамлакат иқтисодиётига жалб қилинаётган хорижий капитал миқдори жадал суръатлар билан ошиб бормоқда ва бунда энг эътиборли жиҳат — жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг асосий қисмини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этишди. Шунингдек, ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳажми ҳам кескин камайиб бормади.


Мазкур давр оралиғида ҳар бир йил учун алоҳида тасдиқланувчи инвестиция дастурлари доирасида юзлаб лойиҳаларни амалга ошириш ва улар доирасида 20,0 АҚШ долларидан ортиқ миқдорида хорижий инвестицияларни жалб этиш кўзда тутилган бўлиб, амалда жалб қилинган инвестициялар ҳажми режа кўрсаткичларига нисбатан 123 фоизни ташкил этди. Шу жумладан, Ҳукумат кафолати остидаги лойиҳаларда жами қилинган умумий инвестициялар ҳажмининг 20,5 фоизи) миқдоридаги кредитлар жалб эталадиган бўлса, унда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳада инвестициялар ҳажми жалб қилинган умумий инвестициялар ҳажмида 79,5 фоизни ташкил этади.

Агар 2017-йил якунларини 2015 йилга нисбатан таққосласак, инвестициялар умумий ҳажми 13,6 фоизда ошганлигини кўришигмиз мумкин. Инвестициялар ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантиришга қаратилган макроиктисодий сиёsat сўнгги беш йиллик якунларида жалб қилинган инвестициялар ҳажмининг 1,6 баробарга ошишига замин яратди. Инвестициялар ҳажмида юзага келган ушбу ижобий тенденцияни 2018 йилда сақтаб қолиш республика ҳукумати олдида турган энг асосий вазифалардан бири эканлиги шубҳасизdir (3.1-3.2 чизмаларга қаралсин)


Дастурнинг хорижий инвестиция ва кредитлар иштирокида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг аниқ манзилли қисмига киритиладиган, шу

жумладан, түгридан-түгри хорижий инвестиция ва кредитлар иштирокида амалга ошириладигон лойиха бўйча йиллик режа 4,0 млрд. АҚШ долларидан ошиши кузда тутилган.

2017 йилда «Навоий» ЭИИЗ да лойиҳаларни тез ва самарали амалга ошириш ишлари давлатимиз инвестиция сиёсатининг ажralmas қисми бўлиб, мазкур ҳудудда янги инвестиция лойиҳасини 31 киритиш ва ўзлаштириш режалаштирилган.



### 3.1-чизма. Давлат инвестиция дастури (аниқ манзилли қисми бўйича)



### 3.2-чизма. 2018 йил Давлат инвестиция дастури устувор инвестиция таклифлари йиғма рўйхати

Шунингдек, дастурнинг жорий йилда хорижий инвесторлар ва бошқа маҳаллий манбаалар ҳисобидан молиялаштириш ва қайта ишлашга мўлжалланган устувор инвестиция таклифлари йиғма рўйхатига жами 310 та инвестиция таклифлари киритилган бўлиб, шуларда 161 таси ва кредитлар иштрокида амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, мамлакатимиз минтақаларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини кучайтириш, худудларнинг инвестицион жозибадорлигини ҳамда унинг иқтисодий салоҳияти ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

## **II БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИЛИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **2.1. Саноатни қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестицион имтиёзлар ва инвестицияларни тақдим этишни жорий амалиёти**

БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича халқаро конференцияси (Юнктад) маълумотларига кўра, сўнгги уч йилда 97та мамлакат ўзининг инвестицион сиёсатини тубдан янгилашга ва жаҳондаги иқтисодий ўзгаришларга мослашиш учун 153 та ўзгариш киритишган. Демак, ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий сиёсати, иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда инвестицион сиёсатини юргизиши ва бу орқали ўз иқтисодиётiga инвестицияларни жалб этиши лозим бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишга қуйида келтирилган бир қатор омиллар таъсир этади:

- мамлакатдаги сиёсий-хуқуқий ҳолат;
- мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва ривожланиш тенденциялари;
- табиий ресурсларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тартиблари;
- ҳом ашё базасининг мавжудлиги;
- арzon ва малакали меҳнат ресурсларининг мавжудлиги;
- таклиф қилинаётган имтиёзлар;
- валюта курси ва унинг эркин айирбошланиши;
- инфраструктуранинг ривожланганлиги;
- аҳоли даромадлари даражаси ва унинг ошиш тенденцияси.

Юқоридаги омилларни таҳлил қиласиган бўлсак, инвестицияларни жалб қилишда асосан мамлакатдаги сиёсий хуқуқий ҳолат асосий роль ўйнади ва бу инвестор учун инвестициялаш жойини аниқлашнинг асосий барометри ҳисобланади. Чунки унда инвестор учун дастлабки капитални йўқотиш хавфи юқорироқ бўлади.

Ҳар бир инвестор ўз инвестицияларини бирор бир мамлакатга

йўналтирас экан, албатта, ундан фойда ёки самара олишни мақсад қилиб кўяди. Инвесторнинг юқори фойда олишига нималар хизмат қилиши мумкин деган савол туғилади. Албатта, бу борада биринчи навбатда маҳсулот таннархини пасайишига таъсир қилувчи омиллар ҳисобга олинали ва буларга арzon хом ашё ва арzon ишчи кучи ҳамда арzon ишлаб чиқариш харажатлари (табиий газ, электр энергия ва сув) киради. Инвестор маҳсулот таннархини пасайтиришдан юқори фойдага ва маҳсулотининг баҳосини маълум даражада арzonлаштириш орқали унинг рақобатбардошлилигини оширишга эришади. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулотга бўлган талабни ошишига ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга туртки бўлади.

Шунингдек, инвестор учун таклиф қилинаётган имтиёзлар катта аҳамият касб этади чунки инвестор имтиёзлардан фойдаланиш ҳисобига маълум бир капитални ўзида қолдириш имкониятини яратади ва бу дастлабки инвестицияларни қайтишини тезлаштиради. Одатда хорижий инвесторга уч гуруҳдаги имтиёзларни таклиф қилишади (2.1-жадвал).

## 2.1-жадвал

### **Хорижий инвесторларга тақдим этилиши мумкин бўлган имтиёзлар**

T/p	Имтиёзлар гурухлари	Классификацияси
1.	Фискал имтиёзлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• корпорациялар фойдасига солиқ ставкасини камайтириш;</li> <li>• экспорт даромадларини преференциал солиқта тортиш;</li> <li>• экспорт божларини қисқартириш;</li> <li>• тезлаштирилган амортизация қўллаш ва унга имтиёзлар бериш;</li> <li>• ишларштнг бошланғич даврида олинган йўқотишларни келгусидаги фойдалар ҳисобидан ҳисоб-китоб қилишга рухсат этиш;</li> <li>• инвестицион ва реинвестицион чегирмалар;</li> <li>• ижтимоий фондларга бадалларни қисқартириш;</li> <li>• солиқта тортиладиган фойда суммасини ишловчилар сони ва бошқа меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига боғлиқ равишда қисқартириш;</li> <li>• маҳсус валюта тушумлари, жумладан, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортидан олинган валюта тушумларига солиқ ставкаларишт қисқартириш;</li> <li>• экспорт қилинадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш билан боғлиқ солиқ кредитлари;</li> <li>• экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни солтгқقا тортишни қисқартириш;</li> <li>• турли божхона имтиёзлари.</li> </ul>

2.	<b>Молиявий имтиёзлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• капитал харажатлар, инвестицион лойиҳаларнинг ишлаб чиқариш ва маркетинг харажатларининг бир қисмини қоплаш учун бевосита субсидиялар;</li> <li>• субсидияланган қарзлар;</li> <li>• олинаётган қарзларга кафолатлар;</li> <li>• кафолатлантан экспорт кредитлари;</li> <li>• юқори таваккалчилик даражасига эга лойиҳалар билан боғлиқ инвестицияларда давлат капиталининг иштироки;</li> <li>• валюта курси ўзгариши, девальвация билан боғлиқ рисклар, шунингдек, нотижорат рисклари экспроприация, мамлакатдаги сиёсий тузум ўзгариши ва бошқалар учун имтиёзли кредитларни давлат томонидан суғурталаш.</li> </ul>
3.	<b>Бошқа имтиёзлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• инвестицион лойиҳалар инфратузилмасини яратиш ёкн реконструкция қилиш харажатларини субсидтешлаш;</li> <li>• ишчи ва ходимларни ўқитиш харажатларини субсидиялаш:</li> <li>• хизматларни субсидиялаш, жумладан молиялацпирш маънбалари, лойиҳаларни ишлаб чиқиш, бозор конъюнктураси, хом ашё мавжудлиги тўғрисвда маълумотлар берш ў, ноу-хауларни ривожлантириш ёки сифат назоратини яхшилаш учун техник имкониятлар бершядада ёрдамлашиш;</li> <li>• преференциал давлат контрактлари;</li> <li>• келгусида бошқа ишлаб чиқарувчилар кириб келшиди учун бозорни ёпиш ёиг алоҳвда компанияларга у ёки бу товарларни ишлаб чиқаришда монопол ҳуқуқларни бериш;</li> <li>• инвесторларни импорт рақобатгадан ҳимоя қилиш;</li> <li>• инвесторларга хорижий валютани бериш (жумладан маҳсус курслар бўйича), хорижий қарзларни олишда рискларни кафолатлаш, хорижий валютадаги кредитлар бўйича концессиялар, даромадогар ва капитални репатриация қилишда маҳсус имтиёзлар бериш бўйича маҳсус дастурларни ишлаб чиқиш ва бошқалар.</li> </ul>

Жадвал маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, реципиент мамлакатлар инвестицияларга уч хил турдаги имтиёзларни таклиф қилишлари мумкин экан. Буларга: фискал имтиёзлар, молиявий имтиёзлар ва бошқа имтиёзларни киритиш мумкин.

Ривожланган мамлакатлар амалиётида асосан молиявий имтиёзлар гуруҳидан кўпроқ фойдаланишади. Чунки ушбу мамлакатларда ички ва ташқи инвесторларга нисбатан бир хил шароитлар яратилади. Шу билан бирга ушбу давлатларнинг молиявий жиҳатдан барқарорлиги уларга молиявий имтиёзлар берши имкониятини яратади. Бу эса, ўз навбатида, хорижий инвесторларнинг қўшимча харажатлар қилишини олдини олади ва турли рисклардан ҳимояланиш имкониятини яратади.

Ривожланаётган мамлакатларда молиявий маблағларнинг тақчиллиги сабаб улар фискал ва бошқа имтиёзлар гуруҳидан кўпроқ фойдаланишади. Бу инвестицияларни жалб қилишда кам маблағ сарф қилиб, кўпроқ инвестиция жалб қилиш имкониятини беради.

Таклиф қилинаётган имтиёзлар инвестицияларни жалб қилишда катга аҳамият касб этади. Инвестор учун инвестициялаш жойини танлашда таклиф қилинаётган имтиёзлари биринчи ўринни эгалламайди, аммо бу имтиёзлардан фойдаланиш у учун ўз капиталини янада ошириш имконини яратади. Бугунги кунда турли имтиёзларни таклиф қилаётган мамлакатлар сони кўп. Инвестор учун ушбу имтиёзлар пакетини таклиф қилаётган мамлакатлардан бирини танлашда таклиф қилаётган имтиёзларни қайси шартларда берилиши муҳимроқ ҳисобланади. Давлатлар имтиёзларни тақдим этишда миллий режимни қўллаган ҳолда турли шартларга кўйшади. Фикримизча, бу шартларга қуидагиларни киритиш мумкин.

- киритилаётган инвестицияларни минимум ҳажмини белгилаш ёки уларни ҳажми бўйича турли даражада имтиёзларни ажратиш;
- инвестицияларни киритилиши шаклларини белгилаш;
- киритилаётган инвестицияларни жойлаштириш ҳудудларини белгилаш;
- иқтисодиётнинг маълум бир тармоқларига инвестициялар киритилган ҳолда имтиёзларни тақдим этиш;
- таклиф қилинаётган имтиёзлар ҳисобига тежаб қолинган маблағни реинвестиция қилиш ва бошқа шартларни қўллаш.

Демак, инвестор юқорида келтирган асосий иккита омиллар, яъни сиёсий-хуқуқий ва маҳсулот таннархини пасайтирувчи омиллар мавжуд бўлган тақдирда инвестициялаш жойини таклиф қилинаётган имтиёзларининг даражаси ҳамда уларни бериш шартлари орасида танлайди. Демак, таклиф этилаётган имтиёзлар билан бирга уларни бериш шартлари ҳам инвестор учун катта аҳамият касб этар экан.

## **2.2. Саноатда инвестицион ривожланишни молиявий қўллаб-куватлаш омиллар ва таҳлили**

Инвестиция ўз моҳиятига кура ўз мураккаблиги ва мукаммаллиги жиҳатидан макро ва микро иқтисодиёт даражасида кўриб чиқилади. Макроиктисодиёт даражасида у капитални қабул қилувчи мамлакатдаги мавжуд сиёсий, иқтисолий ва ижтимоий ҳолатларни ўз ичига олади. Макроиктисодиёт даражасида ёндашилганда хорижий инвестицияларга нисбатан давлат сиёсати, ҳалқаро шартномалар шартларини бажарилиши, хорижий мулкни миллийлаштириш, турли масалалар бўйича ҳалқаро шартомалар тизимида иштирок этиш давлат бошқарув тизимларининг мустаҳкамлиги, сиёсий ҳолатнинг барқарорлиги, давлатнинг иқтисодиётга аралashiш даражаси, иқтисодий сиёсатнинг мукаммаллиги, давлат аппаратининг иш самарадорлиги, банклар тизимининг такомиллашув даражаси, пул муомаласи каби давлат бюджетнинг барқарорлига, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари миқдори ва омиллар ҳисобга олинади. Шуни унутмаслик лозимки, капитални қабул қилувчи мамлакатнинг қонунларида акс эттирилган тўғридан-тўғри харажатлар ва хорижий фирмаларнинг фаолиятини чегараловчи ёки тақиқловчи омиллардан ташқари тўлиқ аниқланмаган баъзи қоидалар ва мувофиқлаштирилмаган жараёнларнинг мавжудлиги инвестицион муҳитга салбий таъсир этади. Инвестицияларни саноатга жалб қилишда инвестицион ривожланиш муҳтининг таъсири катта. Чунки инвесторлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, имтиёзлар ва преференциялар уларнинг инвестицион қарорлар қабул қилишларида катта аҳамият касб этади.

Саноатни модернизациялаш шароитида инвестор учун инвестицион қарор қабул қилиш энг мукаммал ва масъулятли тадбирлардан бири ҳисобланади. Бундай дейишга асос, инвестор бир вақтнинг ўзида, бир қатор куп мезонли ва кўп йўналишли омилларни баҳолаши зарур бўлади. Шунинг учун ҳам инвесторнинг ҳар қандай инвестицион қарор қабул қилишида мамлакат, худуд ёки тармоқнинг инвестицион муҳитини ўрганиш энг муҳим

масала ҳисобланади. Инвестиция йўналтириши керак бўлган минтақа ёки давлатдаги вазият қанчалик нокулай ёки у ерла ноаникликлар бўлса, инвесторнинг эътибори ўша ердаги инвестицион муҳитни баҳолаб берувчи экспертлар хulosасига шунчалик жидаий қаратилган бўлади. Шундай экан, инвестицион муҳитни қулайлиги бевосита ва билвосита инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларга боғлиқ бўлади.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда саноатга инвестицияни жалб этиш тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг жаҳон амалиётидан фойдаланиш ва шу асосда мамлакатнинг халқаро рейтингини янада кўтариш борасида изчил комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Хозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳаларида ўзгаришлар, таркибий ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Бундай ислоҳатларнинг олиб борилиши бевосита мамлакатдаги инвестицион жараён, давлатнинг инвестицион сиёсати, унинг устувор йўналишлари ва мамлакатдаги корхоналар инвестицион фаоллигига боғлиқ. Сўнгги йилларда рида инвестицион фаолиятни ошириш, уни кучайтириш борасида қатор амалий чора-тадбирлар ўtkazildi, инвестицион фаолиятни тартибга солиб турувчи қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилиш ҳамда ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Инвесторлар иқтисодий самара олиш мақсадида амалга оширмоқчи бўлган инвестицион фаолият бир нечта инвестицион элементлардан ташкил топади. Инвестор ўз ихтиёридаги инвестицион ресурсларини тадбиркорлик лойиҳасига сарфлашдан олдин, асосий диққат-эътиборини иккита инвестицион элементга қаратиши лозим. Булар инвестиция муҳити ва инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллардир. Инвестиция муҳити - маълум бир ҳудудга киритиладиган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш учун амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида яратилган шарт-шароитлар йиғиндиси ҳисобланади.

Қулай инвестицион ривожланиш муҳитини шакллантириш асосий

иқтисодий омиллардан бўлиб, иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатлари ва бозор институтларининг, энг аввало, мустаҳкам хўжалик қонунчилиги, ривожланган банк-молия тизими мавжудлиги ҳисобланади.

Инвестициялашни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам маълум аҳамиятга эга. Инвестицион ривожланиш муҳитни яхшилашнинг асосий йўналишлари таҳлил қилганда, уларнинг кўпи узок муддатли характерга эга эканлиги маълум бўлди. Инвестиция қонунчилигини яхшилаш орқали инвестицион муҳитни янада жозибадорлигини ошириш мумкин.

Омиллар жуда ҳам кўп ва турлича. Мамлакатдаги инвестицион ривожланиш муҳитга бир қатор омиллар таъсир кўрсатади (2.1-чизма)<sup>9</sup>.

## 2.1-чизма



<sup>9</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Лекин асосийлари қуйидагилар:

- биринчидан, мамлакатдаги саноат корхоналарини барқарорлиги. Мамлакатда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ўз дастурлари асосида мустақил фаолиятни амалга ошириши сиёсий барқарорликни белгиловчи асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади;
  - иккинчидан, мамлакатда тўғри йўлга қўйилган солиқ тизимири.
- Инвестицион муҳитни белгиловчи ушбу омил ҳам инвестицияларни жалб этиш, инвестицион фаолиятни ривожлантиришга яқиндан хизмат кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

1997 йил мамлактимизда "Солиқ кодекси" қабул қилинди ва давр талабига монанд бўлишини таъминлаш учун, уни янги таҳрири 2008 йилда қайта ишлаб чиқилиб солиқ тўловчилар ҳукмига ҳавола этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар туғрисидаги Фармони мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларни яратиш дастурларини амалга оширишга туғридан-тўғри хусусий хорижий ирвостицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳукуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга қаратилган. Фармонда кўрсатилганидек, ".. хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигига ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиги, қушилган қиймат солиги (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мулк солиги, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови тўлашдан, шунингдек Республика йўл

жамғармасига ҳамда Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар колледжлар, академик лицейлар ва таббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақлидирлар”;

## 2.2-жадвал

### **Ўзбекистон Республикасининг 2013-2017 йилларда макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари (олдинги йилга нисбатан ўсиши, %да)**

№	Макроиқтисодий кўрсаткичлар	2013 йил (%да)	2014 йил (%да)	2015 йил (%да)	2016 йил (%да)	2017 йил (%да)
11	Ялпигички маҳсулот	8,0	8,1	8,0	7,9	7,8
22	Саноат маҳсулоти	8,8	8,3	8,0		
33	Қишлоқ хўжалиги	6,8	6,9	7,0		
44	Жалб қилинган инвестициялар	11,3	10,9	9,5		
55	Экспорт ҳажми	10,9	8,5	7,4		
66	Инфиляция даражаси	6,8	6,1	5,6		
77	Давлат бюджет ҳолати	0,3	0,2	0,1		
88	Ўртача иш ҳаки ўсиши	20,8	23,2	21,9		
99	Хизматларнинг ЯИМдаги улуши	53,0	54,0	54,5		
110	Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши	55,8	56,0	56,7		

\*Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

- учинчидан, макроиқтисодий барқарорлик. Мустақиллик даврига назар соладиган бўлсак, мамлакатдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар доимий ўсиш суръатига эга бўлмоқда. Буни қуидаги жадвал маълумотлари асосида қўришимиз мумкин.


Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бизнинг миллий иқтисодиёт жадал ривожланиш тенденциясига эга. 2015 молия йилида жалб қилинган инвестициялар ҳажми макроиқтисодий кўрсаткичлар орасида юқори поғонага кўтарилди. Бу борада Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузаларида таъкидлаганларидек: “2015 йилда ана шу мақсадларга барча манбалар ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ

доллари миқдорида инвестициялар жалб этишди ва ўзлаштирилди. Бу эса ўтган йилга нисбатан 9,5% фоиз кўп демакдир”;

- тўртинчидан, мамлакатдаги банк тизимини ривожланганлик даражаси. Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда инвестицион муҳитни яхшилаш учун банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа қилб белгиланган. Мамлакатдаги банк тизимининг барқарорлига, биринчи галда, тижорат банкларнинг самарали фаолиятига боғлиқ. Тижорат банкларининг капиталашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда тижорат банкларини инвестицион фаолиятини ривожланиши натижасида биргина 2015 йилда иқтисодиётимизга 10,2 трлн сўм инвестицион кредитлар ажратилган бўлса 2017 йил 12,8 трлн сўм инвестицион кредитлар ажратилди.

2.2-диаграмма

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар динамикаси\* (трлн сўмда)**



\*Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши, улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор.

**2.3. Инвестицион ривожланишни молиявий қўллаб-куватлаш механизмлари**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳаллий жамғариш жараёни етарлича долзарб ҳисобланади. Барқарор ва мувозанатлашган иқтисодий ўсишни таъминлаш учун молиявий ресурслар айнан худудларда шаклланади. Маҳаллий жамғариш деганда пул маблағлари муайян қисмининг концентрацияси тушунилади. Улар устувор равишда инвестицион лойиҳаларни инвестициялашга жалб этилади. Ҳудудда молиявий ресурслар концентрацияси қўйидаги асосий йўллар орқали амалга ошиши мумкин (2.2-чизма);

- шаҳар доирасида ишлаб чиқариш фаолияти ва маҳсулотлар сотилиши натижасида;

- шаҳар ишлаб чиқариш ва товарларни бошқа жойда сотиш натижасида;
- бошқа шаҳар ва мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулот реализацияси йўли билан;
- инвестиция киритиш натижасида;
- республика бюджетидан ажратиш ва трансфертлар жамғариш натижасида;
- банк фаолияти натижасида;
- маҳаллий солиқлар ундириш йўли билан.

Шаҳарда жамғармалар янги ишлаб чиқариш қувватларини жорий этиш ва амалдагиларни реконструкция қилиш билан ҳам боғлиқ. Янги ишлаб чиқариш фондлари ва иш ўринларини ҳосил қилишда қуидаги асосий мақсадлар кўзда тутилади;

- шаҳар истеъмол талабини қондириш;
- янги иш ўриналарини яратиш;
- инвестиция оқимини таъминлаш учун хўжалик айланмасига ҳудудий табиий-иктисодий салоҳият билан боғлиқ қийматни киритиш.

Самарқанд вилояти шаҳарлариниг ўзига хос хусусиятлари ва табиий-иктисодий салоҳияти мавжудлигини ҳисобга олиб, молиявий ресурслар жамғариш доирасида улар учун ягона сиёsat ишлаб чиқиш амалда мумкин эмас. Инвестицион жараённи фаоллаштириш маҳаллий ишлаб чиқариш ривожланиш учун турткни бериб, янги технологияларни жорий этишга, хўжалик юритиш ва менежмент тизимида самарали механизмлар шаклланишига имкон беради.

## Самарқанд шаҳар молиявий ресурсларининг шаклланиши



Шаҳарларда инвестицион фаоллик муаммолари қуйидагилар билан шартланган:

- биринчидан, бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион иқлимининг мазмуни ва моҳияти, ҳудудий-иктисодий механизмдаги унинг ўрни ва аҳамиятини аниқлашга алоқадор илмий тадқиқотлар етарли эмас;
- иккинчидан, ижтимоий-иктисодий муносабатлар тизимини ўзгариб бораётган ички ва ташки шароитлар билан мутаносибликка келтириш, иқтисодиёнинг, шунингдек, ҳудудий бирликлардаги замонавий бозор институтларининг давлат ва нодавлат секторлари фаолият юритиш қоидаларини шакилантириш заруриятининг мавжудлиги;
- учинчидан, давлат кафолатлари ва маҳаллий инвестицион ташабbusлар чегараси белгиланиши;
- тўртинчидан, ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг ҳудудий бирликлараро дифференциацияси ўсиши, республика ва ҳудудлар ўртасида

бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш кераклиги, бажарилаётган функциялар ҳажми ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан бу мақсадларга ажратилган молиявий ресурслар миқдори ўртасидаги номутаносиблик;

— бешинчидан, жаҳон амалиёти кўрсатдикি, иқтисодиёт трансформациясига янги технологияларни жорий этил билан эришилади. Айнан шу ҳолат ҳам ҳудудий бирликлар даражасида қулай инвестиция муҳитини фаол шакллантиришни тақозо этади;

— олтинчидан, ҳудудлар иқтисодиёти яхлит мамлакатнинг иқтисодий ўсишига бевосита таъсир қўрсатади.

Шаҳарларни инвестиция механизми моҳияти ва асосий хусусиятларини аниқлаш учун методик ёндашувларни ишлаб чиқиш инвестицион тараққиётнинг концептуал йўналишини асослаш, инвестициялаш учун манба ва шароитларни шакллантириш, инвестицион салоҳият ва ҳудуданинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларига инвестиция киритиш мақсадида ҳудудий бирликларнинг ички молиявий захираларидан самарали фойдаланиш йўналишларини аниқлаш каби вазифалар ўз ечимини топишини тақозо этади.

Шаҳарни инвестициялаш тадқиқотларининг илмий-методик ёндашувларида умумреспублика ва ҳудудий манфаатларини ҳисобга олиш муҳим ўрин тутади. Ҳуддий манфаатлар, аввало, ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хослигидан, шунингдек, иқтисодиёт структураси хусусиятларидан, табиий-иктисодий салоҳият, ички имкониятлар, молиявий ресурслар ва бошқалардан келиб чиқади.

Шаҳардаги ижтимоий-иктисодий жараёнларга умумиқтисодий вазият, тармоқ ва тармоқлараро мутаносибликлар, ҳудудий бирликлараро ва ташки иқтисодий алоқалар бевосита таъсир ўтказади.

Инвестор қидириш, шаҳарлардаги саноат корхоналарини инвестициялаш учун шароит яратиш муҳим ва мураккаб муаммо саналади. Бу муаммо республика миқёсида бўлгани каби шаҳар даражасида ҳам ҳал

етилиш лозим.

Шаҳарда инвестиция фаолияти истиқболларини баҳолашда молиявий ресурсларга, талаб ва таклиф, мавжуд инвестиция ресурслари манбаларининг ҳажмига, инвестиция жараёни институтларига, инвестиция структурасига, инвестицион иқлим ва инвестицион жозибадорликка таяниш зарур.

Меъёрий-хуқуқий база ва макроиктисодий шароитлар, пул-кредит, бюджет-солиқ, божхона ва амортизация сиёсати инвесторлар учун имтиёз ҳамда кафолатлар тизимини яратиш учун хизмат қиласи. Шунингдек, инвестиция жалб қилиш бўйича шаҳар даражасида ишлаб чиқилган чоратадбирлар мажмуи ҳам зарур.

Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар орқали инвестиция сиёсати йўналишларини белгилашда аҳоли даромадлари ва омонатлари, бандлик ва ишсизлик, тураржой билан таъминланганлик, ижтимоий хизматлар оммабоплиги, сиҳат-саломатлик аҳволи ва таълим даражаси, ривожланган таълим мавжудлиги ҳисобга олиниши лозим. Маҳаллий бюджетларнинг даромадли қисмини инвестицияларнинг ички манбаларига йўналтириш принципиал йўналиш ҳисобланади. Аҳоли омонатларини реал инвестицияга мобилизациялаш ҳам муҳимдир.

Ривожланаётган шаҳардан саноатни инвестицион қўллаб-куватлашда бандлик даражасини ошириш, кичик тадбиркорликни ривожлантириш вазифасини бажарувчи донор ва халқаро молия ташкилотлари муайян жой эгаллайди.

Шаҳарда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик маблағлари инвестициялашнинг муҳим манбаи бўлиши лозим. Жорий ва янги корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш амортизация ажратмалари орқали уларнинг келгуси ривожланишига инвестиция киритишда хизмат қиласи.

Шаҳарга тўғридан-тўғри киритилаётган хорижий инвестициялар халқаро ҳамкорликнинг бошқа шароитларига нисбатан қатор сезиларли

афзаликларга эга. Биринчидан, хорижий заём ва кредитлардан фарқлии равишда ташқи қарзга қўшимча тўлов тушмайди, аксинча, уни қайтариш учун маблағ тўплашга имкон беради. Иккинчидан, улар товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга қуйилмалар учун капитал манбаи бўлиб хизмат қиласди, янги технологиялар, ноу-хау, бошқарув ва маркетингнинг илгор методалари жалб этилишини таъминлайди. Учинчидан, хорижий технологиилар худудий бирликларни жаҳон иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш ҳамда бошқарувнинг ҳалқаро стандартларига яқинлаштиради, маҳаллий хўжаликнинг жаҳон ҳамжамиятига янада интенсив интеграциясига имкон яратади.

Бу ерда гап шунчаки хорижий капитал ҳақида бормаяпти, балки дунёning турли мамлакатларида бошқарув тажрибасига, билимга, иқтисодиётнинг мос секторида улкан тажрибага эга стратегик ҳамкорлар ҳақида сўз юритилмоқда.

Хорижий капитал оқимини рағбатлантириш учун прогнозлаштириш мумкин бўлган узок муддатли қулай муҳит яратиш талаб этилади. Бу ерда хорижий бизнес мулкчилик хуқуқига оид давлат кафолатларига қизиқади.

### **III БОБ. ИНВЕСТИЦИОН РИВОЖЛАНИШНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

#### **3.1. Саноат корхоналарини инвестицион фаолиятини ривожлантиришни амалга оширишни қўллаб-қувватлашни мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни**

Мамлакатимизда инвестиция фаолиятини амалга ошириш борасида кўплаб муваффақиятларга эришилаётган бўлиб, бу инвестицияларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларнинг фаол олиб борилаётганлигидан далолат беради. Бироқ, шу билан бирга, инвестиция фаолиятини амалга ошириш борасида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, улар жумласига тижорат банклари инвестицион фаоллигининг юқори даражада эмаслиги; инвестиция фаолиятини молиявий суғурталаш тизимининг етарли даражада ривожланмаганлиги; тижорат банклари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларда инвестиция фаолиятини молиявий таҳлил қилиш ва режалаштириш бўйича юқори малакали мутахассисларнинг етарли даражада эмаслиги ва бошқа шу кабиларни киритиш мумкин. Бундай муаммоларнинг ечимини топишда мамлакатимиз ҳудудларига инвестицияларни жалб қилишда молия-кредит тизимини такомиллаштириш эҳтиёжи юзага келади, бу борада илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Инвестициялар ҳар қандай холатда ҳам ижтимоий – иқтисодий ривожланишини ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, уларнинг ёрдамида иқтисодиётнинг инновациялар ва юқори технологиялар асосида ривожланиши қўллаб-қувватланади, импорт ўринини босиш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари муваффақиятли амалга оширилади. Замонавий инфратузилмалар ривожлантирилади, янгидан-янги иш жойлари яратилиб ишсизлик муаммосининг олди олинади ва энг асосийси эркин рақобат ва тадбиркорлик муносабатларига асосланган замонавий иқтисодий тизим ривожлантирилади. Инвестицияларнинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, улар ҳар қандай мамлакатнинг яқин ва узоқ келажакда ривожланиш истиқболларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги янги

тахрирдаги Қонунида инвестицияларга қуидагича таъриф берилади; “инвестициялар - қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдага фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳукуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳукуқлар, шунингдек реинвестициялар”.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ти Қонунига кура; “инвестиция бу - иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий, ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар, асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир”.

Иқтисод фанлари доктори профессор И.А.Ахмедов инвестицияларни куидагича таърифлаган: “инвестиция дейилганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур”.

МДҲ мамлакатлари тадқиқотчилари орасидан россиялик мутахассис Т.Т.Фролованинг фикрига кўра; “инвестиция - бу хусусий сектор ва давлат томонидан мамлакатнинг ичида ва мамлакатдан ташқарида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва қимматбаҳо қоғазларга узоқ муддатли қўйиладиган капиталдир”.

Россиялик бошқа бир груп олимлар М.И. Ример, А.Д. Касатов ва Н.Н.Матиенколар фикрларига кўра эса; “иқтисодий адабиётларда инвестициялар тадбиркорлик фаолиятининг объектларига маблағларни инвестиция қилиш орқали эҳтёжларни кейинги йиллар давомида янада тўлиқ қондириш мақсадида неъматларнинг жорий истеъмол қилинишидан воз кечишга қаратилган ҳаракатдир”.

Умуман олганда, бу каби таърифларни яна кўплаб келтириш мумкин бўлиб, уларнинг мазмуни бир-бирларини ўзаро тўлдириб боради. Биз юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқкан ҳолда инвестицияларга оид ўз


таърифимизни келтириб ўтмоқчимиз; инвестициялар деганда капитални кейинчалик даромад олиш мақсадида бирор-бир мамлакат, ҳудуд, тармоқ ёки, бошқа объектларга йўналтириш тушунилади. Инвестицияларнинг саноат ривожланшидаги аҳамиятини янада аниқроқ тасаввур қилишимиз учун қўйидаги чизмани келтириб ўтамиш:

3.1-чизмадан кўриниб турибдики, инвестициялар келиб чиқиш манбаларига кўра асосан иккитага, яъни хорижий инвестициялар ва ички инвестицияларга бўлинади. Инвестицияларнинг ушбу иккала тури ҳам қўйидаги объектларни ривожлантиришга йўналтирилади: ҳудудлар, тармоқлар, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектлари.

Ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишнинг энг муҳим шарти бўлиб ҳудуд иқтисодиётининг ривожланиш ҳолати ва хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда иш тутиш ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳар қандай ҳудуд ўзига хос иқтасодий шарт-шароитларга эга бўлиб, уларни комплекс тарзда ўрганиш инвестицияларни жалб қилишда тўғри ёндашишга замин яратади.

Шу Ўринда ҳудуд иқтисодиётига россиялик тадқиқотчи В. В. Мишенко қўйидагича таъриф беради: “ҳудуд иқтисодиёти - бу ҳудуднинг тарихий, демографик, миллий, диний, экологик, табиий-ресурсли хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳудуд хўжалигининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши жараёни билан бирга, ҳудуднинг умумдавлат ва халқаро меҳнат тақсимотида тутган ўрнини билдирувчи комплекс соҳадир”.

## Инвестицияларнинг Самарқанд шаҳар иқтисодиётида тутган ўрни



\*Мўлиф томонидан ишлаб чиқилган.

Япониялик профессор Ямамото Хисатоши ҳудуд иқтисодиётини асосан саккизта параметрга бўлиш асосида ўрганишни таклиф этиб, ҳар қандай инвестор ҳудудга ўз инвестициясини киритиш тўғрисида қарор қабул қилишдан аввал ана шу параметрларни комплекс тарзда ўрганиб чиқиши муҳим эканлигини ўз илмий тадқиқотларида асослаб беради (3.1-жадвалга қаранг).

3.1-жадвалга эътибор берган бўлсангиз, саккизта параметрнинг сўнгиси

бўлиб ҳудуднинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланади. Шу ўринда савол туғилади: бу параметрдан ташқари бошқа етита параметр ҳам ҳудуд иқтисодиётига тегишли бўлиб, нега шундай бўлишига қарамасдан, ҳудуднинг иқтисодий кўрсаткичлари параметри яна алоҳида кўрсатилган? Шу ўринда айтишимиз мумкинки, япон олимни Ямомото Хисатоши томонидан таклиф этилган ушбу параметрлар асосан муайян ҳудудга инвестициялар киритишга кизиккан тадбиркорлар учун мўлжалланган бўлиб, улар ҳудуд иқтисодиётини фақатгина унинг ривожланишини белгилаб берувчи иқтисодий кўрсаткичлар орқали эмас, балки ушбу кўрсаткичларнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи бошқа бир қанча муҳим омиллар (яъни, бошқа параметрлар) билан бирга комплекс тарзда ўрганишни маъқул кўрадилар.

3.1-жадвал

**Самарқанд шаҳриниг иқтисодиётини белгилаб берувчи асосий  
параметрлар тавсифи<sup>10</sup>**

<b>№</b>	<b>Параметирларнинг</b>	<b>Қисқача тавсифи</b>
1	Турмуш тарзи ва жамият	Бунда шахар ахолисининг саводхонлийлик даражаси, худудда иаданият ва таълим муасссаларининг холати, худуд ахолисининг маънавий қиёфаси кабилар ўрганилди
2	Демография	Бунда шаҳар
3	Ташқи иқтисодий ва савдо муносабатлари	
4	Худудий бошқарув	
5	Фан ва технологиялар	
6	Шахарни инфратузилмаси	
7	Табиий ресурслар	
8	Шахарларни иқтисодий қўрсаткичлари	

<sup>10</sup> Yamamoto Hisatoshi. Technology Investment Planning. Tokyo: JMAM, 2003.

3.1-жадвалдан кўриниб турибиди, жаҳон мамлакатларида худудларга инвестицияларни жалб қилишда худудлар иқтисодиётини комплекс тарзда ўрганишга жуда катта эътибор қаратилади.

Самарқанд шахрига инвестицияларни жалб қилишнинг аҳамиятини кўйидагилар орқали кўрсатиб ўтиш мумкин:

- шаҳарга жуда кўплаб белгилар бўйича тавсифлаш мумкин бўлиб, бизнинг тадқиқот ишимиизда мамлакатимиздаги Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси худудлар сифатида олиниб, уларнинг ҳар бирига иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиқкан ҳолда инвестицияларни йўналтириш борасида ижобий натижаларга эришилса, бу мамлакатимиз миқёсида инвестицион фаоликнинг янада ошишга олиб келади;

- шаҳарга инвестицияларни жалб қилиш нафақат улардаги иқтисодий имкониятларнинг кўтарилишига, балки худудларнинг туристик жозибадорлигини ошишга ҳам муҳим таъсир кўрсатади;

- ҳозирги кунда дунё тажрибасида оммавийлашиб бораётган эркин иқтисодий зоналарни шаҳар иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан хорижий тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш суръатларини ошириш мақсадида ташкил этилаётган бўлиб, уларда яратилаёттан замонавий корхоналар, янгидан-янги иш жойлари, жаҳон андозалари даражасидаги инфратузилмалар, шу жумладан, замонавий хизмат кўрсатиш обьектлари эркин иқтисоий худудлар жойлашган шаҳарлар қиёфасини янада чиройли бўлишига олиб келмоқда.

Умуман олганда, инвестицияларни жалб қилишда шаҳарни бирламчи аҳамиятга эга бўлиб, улардаги иқтисодий шарт-шароитлар ва бошқа имкониятларнинг инвесторлар талабларига мос келиши ҳар қандай тармоқ, ташкилот ва тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантиришга кўплаб имкониятларни яратади. Бошқача қилиб айтганда, худудлар ўзларининг хусусиятлари билан инвестициялар йўналтириладиган асосий обьектлар сифатида эътироф этилади.

### **3.2. Саноат корхоналарини инвестицион ривожланишини молиявий қўллаб қувватлаш истиқболи**

Маълумки, Самарқанд шаҳар тармоқларига инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш ҳозирги даврнинг энг муҳим ва долзарб бўлган тадқиқот йўналишлариданdir. Бинобарин, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятiga дадил кириб бораётганлиги мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий соҳаларидағи имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни талаб қиласди. Бугунги кунда жаҳон молиявий глобаллашувни инобатга олган ҳолда ва уни ривожлантириш асосида Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг тармоқ хусусиятларини тадқиқ этиш ғоят долзарб вазифаларданdir.

Бугунги кунда саноатга инвестицияларни киритиш учун Ўзбекистонда барча иқтисодий, сиёсий, ҳукуқий асос ва шарт-шароитлар яратилган. Лекин, Ўзбекистоннинг иқтисодиёт тармоқларига инвесторларни жалб қилиш ва улар киритаётган сармоялар миқдори ҳозирги давр талабларига нисбатан оздир. Шунинг учун ҳам бозор ислоҳотларининг навбатдаги босқичида иқтисодиётнинг етакчи саноат тармоқларини ривожлантиришга йирик инвестицияларни жалб этиш мақсадида уларни жалб этишнинг мавжуд тизим ва механизmlарини такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга бўлган устувор вазифалардан бири сифатида қаралиши лозим. «Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин».<sup>11</sup>

---

<sup>11</sup> Каримов И. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янга босқичга кўгарадиган йил бўлади. Ўзбекистон, 2012. — 35-6.

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, таркибий қайта қуришнинг самарали амалга оширилиши бевосита инвестицион ривожланиш қўллаб-қувватлашни оқилона юритилиши билан боғлиқ. Аграр-индустрисал мамлакат ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси учун ҳам инвестиция сиёсатининг устувор йўналиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилмоғи лозим. Хориж тажрибаси ҳам ривожланган мамлакатларда дастлаб индустрисал тармоқлар жадал тарақкий этганлигини кўрсатади.

Хукумат томонидан иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишни молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга оширилиши тамойиллари ишлаб чиқилди. Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёsat юритиш, республика иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларини кенг жалб этишни таъминлайдиган хукуқий, ижтимоий-иктисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш, республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб бераётган хорижий инвестицияларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчиллик билан ўtkазиш ва маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жойлаштириш тамойиллари шулар жумласидандир.

Мазкур тамойиллар асосида мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилган, жумладан, ички валюта бозорини янада эркинлаштириш ва жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютанинг конвертация қилиниши таъминланди, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш бўйича аниқ мақсадни кўзлаб сиёsat юритиш асосида бу фаолиятларни тартибга солувчи қонунлар яратилди. Божхона кодекси, Солиқ кодекси, валюта ишларини тартибга солиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди, шунингдек, хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва экспорт салоҳиятини оширишда турли имтиёзлар яратилди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш саноат


корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишга хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосида республика иқтисодиётини барқарор ва бир маромда молиявий ривожланишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Бу эса, капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари таркибида корхона маблағлари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар асосий салмоқни эгаллаганидан далолат беради.

Қўйидаги диаграмма маълумотларидан кўринадики, инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестиция улуши бўйича нефть-газ тармоғи юқори салмоқни ташкил қиласди. Бу эса стратегик тармоқларни ривожлантириш нуқгай назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

### 3.1-диаграмма

#### **Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича улуши**



Иқтисодиёт тармоқларида ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар бўйича транспорт ва алоқа ҳамда ёқилғи-энергетика етакчилик қилмоқда.

3.2-жадвал

**Иқтисодиёт тармоқлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши, жамига нисбатан фоизда**

Тармоқлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
ЖАМИ	100	100	100	100	100
Еқилғи-энергетика	45,5	18,6	12,1	9,8	23,1
Машинасозлик	0,7	1,5	2,3	1,5	1,1
Енгил саноат	6,4	7,2	2,3	4,4	6,2
Қурилиш материаллари саноати	0,5	0,7	2,8	3,9	1,5
Озиқ-овқат саноати	4,0	4,8		1,6	1,0
Транспорт ва алоқа	25,6	25,5	55,4	66,9	50,6
Коммунал хўжалиги	1,0	1,5	2,2	0,7	1,6
Соғлиқни сақлаш муассасалари	2,0	2,1	1,8	1,1	1,3
Бошқалар	14,3	38,1	18,7	10,1	13,6

Бундай ҳолат транспорт ва алоқа инфратузилмасини ҳамда ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган маблағлар инвестициялар умумий ҳажмида муҳим ўрин эгаллаганлигини ҳамда ушбу тармоқларда ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлигини қўрсатади. Жумладан, 2010 йилда фақат автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 378 млн. долларга тенг бўлган маблағ ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 31,5 фоиз қўп демакдир. Шунинг ҳисобидан мамлакатимизда 270 километрлик замонавий автомобиль йўли фойдаланишга топширилди.

Иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 млн. 900 млн. доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари

ҳисобидан — корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилмоқда. Жами инвестицияларнинг 73,5 фоизидан ортиги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид килишга йўналтирилганлиги айниқса муҳимdir.

Фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ҳисбот даврида хорижий инвестиция иштирокидаги ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, Самарқанд вилоятида «МАН» юк ташиб машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари якунига етказилди.

2018 йили фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда мамлакат иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш ва иқтисодий ўсишга эришишда хорижий инвестициялардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда:

— иқтисодий ислоҳотлар шароитида биринчи босқичида республика иқтисодиётининг ривожланиши шундан далолат берадики, бу давр ичидаги ички имкониятлардан фойдаланилган ҳолда инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш юксалмади, аксинча бу фаолиятда сусайиш рўй берди. Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга кенг қўламда жалб қилиш зарурати ортиб борди. Бу зарурат қўйидаги ҳолатлардан келиб чиқади: иқтисодиётдаги мавжуд асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскирганлиги, саноат тармоғида моддий техника базасининг пастлиги; республика миллий даромадида жамғариш билан истъемол ўртасидаги нисбатнинг истеъмол томонга кўплаб сарфланаётгани ва жамғаришнинг

инвестиция манбай сифатида камайиб бораётганлиги; Ўзбекистоннинг хом ашё ва табиий бойликларга бойлиги, кўплаб қайта ишловчи саноат корхоналарини ишга тушуриш имкониятининг мавжудлиги;

— мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда. Асосий капиталга киритилган чет эл инвестицияларининг асосий қисми ёқилғи-энергетика комплекси, транспорт, алоқа соҳаси ва енгил саноатга йўналтирилган. 2018 йили фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишини тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди.

### **3.3. Саноат корхоналарида инвестицион ривожланишни молиявий қўйлаб-қувватлашни такомиллаштириш**

Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таимнлаш, олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун аниқ ва пухта ўйланган чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Кулай географик жойлашув ва йўл-транслорт инфратузилмасини ривожланиши. Мазкур омил ҳам мавжуд омиллар ичida марказий бўғинда туради. Чунки, барчага маълумки, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фаолият юритаётган давлатларда маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки ишларни бажариш қийин тадбир эмас, бироқ ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ортиқча харажатларсиз истеъмолчига етказиб бериш ва ўз вақтида ҳамда тўлиқлигича сотилишига эришиш мушкул вазифалардан бири ҳисобланади. Ривожланган иқтисодиётларга (АҚШ, Канада, Япония) назар ташлайдиган бўлсак, ривожланган давлатлар океан ва денгизларга туташдир. Мамлакатимизда бундай имконият йўқ. Шундай бўлса ҳам, олиб борилаётган одилона ва оқилона инвестицион сиёсат натижасида мамлакатимизда хорижий истеъмол бозорларига чиқишининг қулай йўллари ташкил этилди. Мисол учун “Навоий”

эркин иқтисодий индустрىал зоналари, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустрىал зоналари ташкил этилди. Натижада 2014 йилга келиб, “Навойй шахри аэропорти негизида ташкил этилган халқаро логистика маркази Европа, Хиндистон, Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиёга авиация орқали юк ташишни амалга оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу марказ фойдаланишга топширилгандан буён ўтган вақт мобайнида 200 минг тоннадан зиёд юк ташилди”

Хорижий инвесторлар учун юқорида қайд қилинган барча омиллар муҳимдир. Инвестицион муҳитга таъсир этувчи ижобий омилларнинг мавжудлиги ва амал қилиши инвестициялаш жараёни фаоллашувига олиб келар экан, бундай ҳолда қуйидагиларни амалга ошириш зарурлиги талаб этилади:

- инвестицион муҳитни тармоқ, худуд, мулк шакллари бўйича аниқлаш;
- инвестицион муҳитни инвестициялаш субъектлари бўйича аниқлаш;
- инвестицион муҳитни маълум босқичларга бўлиб аниқлаш.

Ушбу мақсадни Ўзбекистонда жаҳон талабларига мос, миллий хусусиятларга хос инвестицион дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқиш орқали амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Инвестициялар ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида муҳим ақамиятга эга бўлиб, улардан иқтисодиёт тармоқларида самарали фойдаланиш мамлакатда инвестиция фаолиятининг тўғри ва оқилона шакллантирилиши ва ривожлантирилишига ҳар томонлама боғлиқ бўлади.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятнинг такомиллашиб бораётганлиги инвестиция фаолиятини белгилаб берувчи иқтисодий кўрсаткичларнинг ошиб боришини билдиради яъни,

- \* тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ошиши;
- \* хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлардан иборат бўлган инвестицион муҳитнинг ривожланиши;
- \* инвестицияларни жалб қилиш учун замонавий инфратузилманинг

шаклланиши;

\* хўжалик юритувчи субъектларда инвестиция фаолиятнинг ўсиб бориши;

\* инвестиция фаолиятида тижорат банкларнинг фаол иштирок этиши ва бошқа шу қабиларда ўз ифодасини топмоқда.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: “2015 йилда барча молиялаштириш манбалари хисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш обьекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.

Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 мегаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмаси барпо этилди, Чорвоқ ГЭСи гидрогенераторлари модернизация қилинди, Кўнғирот сода заводида кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш кенгайтирилди, “Самарқандкимё” акциядорлик жамиятида 240 минг тонна қувватга эга бўлган мураккаб таркибли янги ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Шунингдек, “Мотор заводи” акциядорлик жамиятининг фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонларида трактор тиркамалари, жумладан, катта ҳажмли тиркамалар, майший техника учун таркибий қисмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилди.

Ана шундай муҳим обьектлар ҳақида гапирганда, жанубий кореялик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил кони негизида барапо этилган Устюрт газ-кимё мажмуасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Умумий қиймати 4 миллиард доллардан ошадиган ушбу мажмуа дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган, йирик корхоналардан бири бўлди. Мажмуанинг ишга туширилиши йилига 83 минг тонна ноёб

полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳолбуки, бу маҳсулот илгари мамлакатимизга четдан, катта валюта ҳисобига олиб келинар эди. Айни вақтда мазкур корхона полиэтилен ишлаб чиқариш ҳажмини 3,1 баробар кўпайтириш, мингдан зиёд юқори малакали мутахассисларни иш билан таъминлаш имконият яратиши билан улкан аҳамиятга эгадир.

Хоразм вилоятида “Женерал моторс – Ўзбекистон” акциядорлик жамиятида умумий қиймати қарийб 6 миллион долларлик лойиха асосида “Шевроле Лабо” кичик юк машинаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда йилига фермерларимиз ва хусусий тадбиркорларимиз учун жуда зарур бўлган 5 мингта ана шундай машина ишлаб чиқарилади. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу модель янги “Хоразм авто” заводида тайёрланаётган “Дамас” ва “Орландо” автомобилларидан кейинниа учинчи турдаги автомобиль бўлди.

Наманганд вилоятининг Поп туманида 130 киловатт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Ҳозирча бу лойиха синовдан ўтказилмоқда. 2020 йилга бориб мамлакатимизда ҳар бири 100 мегава қувватга эга яна учта қуёш электр стациясини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Самарқанд - Қарши темир йўл участкасида юқори тезлиқда ҳаракатланадиган “Афросиёб” электр поезди қатнови йўлга қўйилди. Бу Тошкент - Қарши йўналиши бўйича йўловчи ташиш сифати ва суръатини ошириш имконини бермоқда. Натижада пойтахтимиздан Қашқадарё вилоятига ва Қаршидан Тошкентга йўловчилар ташиш вақти икки баробар қисқарди”.

Инвестор инвестициялаш жойини танлашда инфратузилмани ривожланганлигига эътибор қаратади ва бу муҳим омил ҳисобланада. Бунга банк ва суғурта хизматлари бозори, қимматли қофозлар ҳамда валюта бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги, сув, газ, электр энергия таъминотидаги мавжуд муаммолар, логистика тизимини (юкларни ташиш учун автомобиль, поезд, сув йўлларининг мавжуд ҳолати) ривожланмаганлиги ва ҳаво йўлларидағи мавжуд муаммолар инфраструктуранинг талабга жавоб бермаслигидан, ривожланмаганлигидан

далолат беради. Дунё мамлакатлари орасида ривожланган мамлакатларда сиёсий-хукуқий ҳолатнинг барқарорлиги ва инфратузилмани ривожланганлиги билан инвесторларни жалб қилиш имкониятлари юқори ҳисобланади. Аммо уларда инвестицияларнинг самарадорлиги паст эканлиги инвестицион жозибадорлигини пасайтиради. Ривожланаётган мамлакатларда эса сиёсий-хукуқий ҳолатнинг барқарорлик даражаси ва инфратузилманинг ривожланганлиги нисбатан паст бўлса ҳам уларда турли имтиёзларнинг берилиши, арzon ишчи кучи ҳамда арzon хом ашёнинг мавжудлиги уларни инвестор нуқтаи назаридан жозибадор кўрсатиши мумкин. Демак, инвестор ривожланаётган мамлакатларга инвестиция киритиб, юқори даромад олишни кўзласа, унинг танлови таклиф қилинаётган имтиёзлар билан инфратузилмани ривожланганлик даражаси орасида кечади. Ривожланаётган мамлакатлар ичida сиёсий-хукуқий жиҳатдан барқарор, турли имтиёзларни таклиф қилаётган давлатлар ҳам кўп, аммо уларда инфратузилма етарли даражада ривожланмаган. Инфратузилманинг ривожланмаганлиги инвесторларнинг фаолиятига бевосита таъсир қиласди. Мисол учун газ, электр энергия ва сув таъминотидаги узулишларнинг содир бўлиши инвестиция лойиҳасининг самарадорлигига бевосита салбий таъсир ўтказади. Шу билан биргаликда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объектларини қуришда ушбу хизматлардан фойдаланиш учун айrim ҳолларда узоқ масофалардан қувурлар ва электр линияларини тортиб келишга мажбур бўлишади. Бу эса инвестор учун қўшимча харажатларни юзага келишига ва бу харажатлар инвестиция лойиҳасининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, юқ ташишдаги турли транспорт воситаларидан фойдаланишдаги муаммоларнинг мавжудлиги, уларни бу борада ҳам харажатларини ошишига сабаб бўлиши мумкин. Демак, инвестор юқоридаги сиёсий-хукуқий, маҳсулот таннархини пасайтирувчи омиллар ва таклиф этилаётган имтиёзлари бир-бирига яқин бўлган давлатлар орасида инвестициялаш жойини танлаганда, у инфратузилма қайси бирида нисбатан ривожланган

бўлса, ўша мамлакатга инвестиция киритади.

Юқоридаги таҳлилларга таяниб шуни айташ мумкинки, ҳар бир мамлакат ўз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишда ўзининг инвестицион жозибадорлигига баҳо бериб қўриши лозим ва бошқа мамлакатлардан устун ва камчилик томонларини аниқлаб, уларни бартараф этишга қаратилган мақсадли инвестицион сиёсат юргизиши керак бўлади. Бунинг учун ҳар бир давлат қайси ҳудудларга, иқтисодиётнинг қайси тармоқлари ёки қайси соҳаларига инвестицияларни жалб қила олиш имкониятларини ва инвестицияларни жалб қилиш учун қандай молиявий шароитларни яратиш мумкинлигини ўрганиб чиқиши ҳамда шунга қараб мақсадли инвестицион сиёсат юргизиши лозим бўлади.

## **IV-БОБ. САМАРҚАНД ШАҲАР ИҚТИСОДИЁТ ВА ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЛИМИДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **4.1. Ҳаёт фаолияти меҳнат муҳофазасининг қонуний асослари**

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги меҳнат муҳофазасининг ҳуқукий, қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва турли вазирликларнинг кўрсатмаларнинг буйруқлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида Конституциясида (1992 йил 8 декабр): Олий Мажлиснинг ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш киради (78- модда).

Маҳаллий ҳокимият органларининг Конституциямиз томонидан белгиланган вазифалари қаторига, жумладан, қуидагилар киради:

- қонунийликнинг, ҳуқукий-тарғиботини ва фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш мажбурий солиқлар ва йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳосил қилиш (100-модда).

Конституцияда энг аввало инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш кўрсатилган бўлса, шу билан бир қаторда иқтисодий ва ижтимоий ҳукуқларни ҳимояланиш асоси берилган.

Конституциянинг 9-боби иқтисодий ва ижтимоий ҳукуқларни ҳимоялашга қаратилган. 36-моддасида «Ҳар бир шахс қонунда кўрсатилган тартибда риоя қилиш, эркин касб танлаш одилона шароитларда меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳукуқига эгадир» дейилган ва унинг давомида жазо ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан (ҳарбий хизмат чоғида, фавқулодда

ҳолат шароитида ҳ.к.ларда ташкари мажбурий меҳнат тақиқланади) дейилган.

39-моддада «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» деб тиббиёт хизмати ҳеч бир чекланишларсиз, турли хил хизмати корхоналари ташкил этилиши ва жумладан малакали тиббиёт ҳодимлари ўз шахсий даволаш муассасаларига эга бўлиши, даволаш соҳасида рақобат вужудга келиши билан Республикаизда яшовчилар малакали тиббиёт хизматидан фойдаланиш имконияти таъминлапади.

Юртимизда фуқаро меҳнат муҳофазасини Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” қонунни (1993 йил 6 май), Меҳнат Кодекси (1995 йил 21-декабр, №161-1) «Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ҳодимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида”ги Низом (Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 6 июн, 286-қарор) ва турли давлат стандартлари ва кўрсатмалари асоси яратилган.

Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Қонун ҳажми 5 бўлим, 29 моддадан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш усуллари, мулк шакллидан қатъий назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишни таъминлашга қаратилган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчasi ўз ичиға инсоннинг жамиятда ишлаб чиқаришда, яшашида, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланиши, уруш ва терроризм хуружидан химояланиш, табиат ва одамзот уйғунлигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

#### **4.2. Самарқанд шаҳар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимида меҳнат фаолиятини муҳофазасининг ҳолати**

Самарқанд шаҳар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими хаёт фаолияти хавфсизлигига меҳнат муҳофазасини, конунда кўрсатилганидек ташкил этиган: меҳнат муҳофазасини иш жараёнида

инсоннинг меҳнат қобилиятини, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуаси, социал-иктисодий ташкилий, техник, гигиеник, профилактик тадбирларни ўз ичига қамраб олар экан, демак барча жабҳаларда фукароларниг меҳнат қилиш шароити талаб даражасида яратилиши лозим.

Самарқанд шаҳар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими ҳар бир ходимнинг Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига амал қилиш ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятига тўғри хал этиши унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ. Хаёт фаолияти хавфсизлиги билан бир қаторда унинг таркибий қисми бўлган меҳнатни техника хавфсизлиги хамда ёнгиннинг олдини олиш масалалари хозирги вақтда энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таминлашга доир омилларни излаб топиш меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш, касб касалликларни ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек, уларни камайтиришда ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий қўрик хамда ишлаб чиқаришда зарарли нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ҳодимларни даврий қўрикдан ўтказиб туриш чора тадбирлари ичида муҳим ўрин тутади.

Сўнгги вақтларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилалепти. Меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли умумий хастакликлар хамда касб касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга тадбик этилмоқда.

Умумий ва касб касаликларини, баҳтсиз ходисаларнинг олдини олиш, ҳодимлар меҳнатини муҳофаза қилишни гаъминлаш мақсадида бу

кўрикларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишида уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси кучайишини ва аҳолини фуқаро муҳофазаси вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларга тузилмарга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатланиши, турли хил жиҳозлар, асбоб ускуналар, техникардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалри ишлаб чиқилади.

Фуқаро муҳофазасининг амалий машғулотларнинг замон талаблариға мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонида қўлланиладиған замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалари оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, кутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилияйтларини ошириш имконипи беради.

#### **4.3. Самарқанд шаҳар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимида ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора тадбирлари**

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарап келтиради. Бир неча минут ёки соат чиқадиган тутун, карбонат апгидрид ва бошқа заарли хид ҳамда газлар атмосферага ичидаги жуда катта миқдордаги халк бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва

ишлиарнинг хавфсиз бажариш усуулларнинг меҳнат муҳофазаси билан биргалиқда ўрганишни тақозо этади.

Ҳозирга вақтда республикамиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлиар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиши хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгроқ қўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий маъсулият кишилар зиммасига тушушини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарилишига боғлиқ эканлигини унумаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўрикнома ва бошқа хужжатлар асосида олиб борилиши керак. Республикализнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкини кўз қорачиғидай корхоналарида ёнғининг олдиии олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суюнган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкилий қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зич яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги обьектларининг ёнғин муҳофазасинин мустаҳкамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишига қаратилган илмий техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- иккинчидан, обьектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зич яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлиар вазирлигининг Ёнғинга қарши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкини, фуқаролар шахсий мулкини ёнғиндан сақлашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати

ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қўйидагилар киради:

- хамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнгин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;
- саноат, фукаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойихалаш, қуришда ёнгин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларнинг бажарилишини текшириш;
- хамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлимларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш;

Ўзбекистон Республикаси ёнгин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қўйидаги ҳукуқлар берилган:

- ёнгин хавфсизлиги жиҳозларининг кай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча ташкилот бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналари ва уйларни текшириш;
- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан обьектларнинг ёнгин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда хужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;
- ёнгин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда қоида бузилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;
- ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиш ёки бажармаслигига айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёҳуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчилар, хизматчилар ва мухандис-техникларнинг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнғинга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш мумкин. Бунинг учун хар бир обьектда ёнгин техник комиссияси тузилади.

Комиссияга бош мұхандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қиласы, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиши;
- объектив ёнғиннинг олдипи олиш тартибини ишлаб чиқиши ва уларни ўтказишида қатнашиши;
- ишчи хизматчилар ва мұхандис - техник ҳодимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтиришишини олиб бориш.

Бу вазифаларии бажариш учун ёнғин тахник комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, Электр жиҳозлари, шамоллатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди, ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида сухбатлар, лексиялар ўтказилади, рационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишида қатнашади, цехлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчилини жалб этади.

#### **4.4. Самарқанд шаҳар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимида фаолият кўрсатаётган ҳодимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари**

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа холларда фуқаролар профилактика, ташхис кўйиш, даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, прогез-оргопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек, bemorlarни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиши парваришлиш юзасидан Ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш хукукига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ҳодимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда конун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа маҳсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқга эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек, уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари. Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам хаётини, кутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш руй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатdir.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ходисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қуиши, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қуиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш, (шок маҳалида), ёниб турган кийимни ўчириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни

қимирамайдиган қилиб боғлаб кўйиш (транспорт иммобилизация), одамнинг баданини иситиши, иссиқ ва совуқдан пана қилиши, противогаз кийгизиши, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиши, қисман санитар обработкасидан ўтказиши.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиши касаллик ва шикастнинг кейин қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса хаётини қуткариб қолиш учун ҳам хал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам электр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа холларда биринчи медицина ёрдами дархол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига муҳтож бўлса, у холда бундай ёрдам кўрсатишининг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу пайтнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб колиши мумкин бўлган шикастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишига киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибинни белгилаб олиш керак. Аввал шикастланган одамнинг хаётии қуткариб қолишга имкон берадиган ёки биринчи медицина ёрдамининг кейинги усул-амалларини кўлланиш учун бажарилиши шарт бўлган усул-амаллар бажарилади. Чунончи, сон суяги очиқ синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда хаёт учун хатарли бўлган кон кетишини тўхтатиши, кейин жарохатга стерил боғлам кўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирамайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб кўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирамайдиган қилиб кўйиш учун маҳсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Биринчи медицина ёрдамининг ҳамма усул-амалларини эҳтиёт бўлиб ва авайлаб бажариш лозим. Кўпол ҳаракатлар қилинадигаи бўлса, бу шикастланган кишига зарар қилиши ва унинг ахволини ёмонлапггириб кўйиш мумкин. Биринчи медицина ёрдамини бир эмас, балки икки ёки бир

нече киши кўрсатадиган бўлса, у холда келишиб, иноқлик билан иш кўриш керак. Бунда ёрдам кўрсатаётганларнинг бири бошлиқ бўлиб, бирипчи медицина ёрдамининг барча усул амаллари бажарилишига раҳбарлик қилиб бориши лозим.

Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда табелдаги ва қўлда бор воситалардан фойдаланилади. Биринчи ёрдам кўрсатишда ишлатиладиган табел воситалари боғлам материали бинтлар, медицина боғлов пакетлари, катта ва кичик стерил боғламлар билан салфеткалар, пахта ва бошқа ашёлардир. Конни тўхтатиши учун қон тўхтатадиган жгутлар: тасмасимон ва найсимон жгутлар, иммобилизация қилиш учун эса маҳсус тахтакачалар фанера шиналар, шотисимон, тўрсимои ва бошқа хилдаги шиналар ишлатилади. Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда баъзи доридармонлардан фойдаланилади ампулалар ёки флаконга солинган спиртдаги 5% ли ёд эритмаси, флаконга солинган спиртдаги 1-2% ли бриллиант яшили эритмаси, валидол таблеткалари, валериана настойкаси, ампулаларга солинган новшадил спирт, таблеткалар ёки порошок холидаги натрий гидрокарбонат (ичимлик сода), вазелин ва бошқалар шулар жумласидандир. Профилактика қилиш учун индивидуал аптечка (АИ-2) дан фойдаланилади.

Санитар дружиналари ва санитар постлари табел воситалари билан таъминланади. Қурилиш ва ишлаб чикириш участкаларида, цехлар, фермалар ва бригадаларда, ўкув юртлари ва муассасаларда, ахоли уюшган ҳолда дам оладиган жойларда биринчи ёрдам аптечкалари комплектланиб, тахт қилиб кўйилади. Бошқармага тегишли одамлар ташиладиган транспорт воситалари, шунингдек, шахсий автомобиллар аптечкалар билан таъминланган бўлиши керак.

Самарқанд шаҳар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими ходимлари томонидан шикастланган одамга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида энг аввало, унинг жароҳатланган жойларига стерил боғлам қўйиш зарур. Оёқ-кўллари лат еб, муздек бўлиб, қолиб кетган бўлса, дарров узоқ вакт босилиб қолган жойидан юқорирокқа жгут ёки бурама солинади.

Бундан кўзланган мақсад эзилиб қолган тўқималарда тўпланиб колган заҳарли моддаларнинг қопга сўрилиб, юқорига ўтмаслигига тўсқинлик қилишдир. Жгутни жуда ҳам қаттиқ ва таранг қилиб кўймаслик керак, акс холда шикастланган жойларга қон келиши тўхтаб қолиши мумкин. Бундан ташқари, узок вакт босилиб, эзилиб қолган қўл-оёқлар ушлаб қўрилганда, ҳарорат юқори бўлмаса, уларни бинт, дока билан мустаҳкам боғлаб, устига совуқ нарса қўйиш мақсадга мувофиқдир.

## **ХУЛОСА**

Иқтисодий глобаллашув шароитида давлатимиз томонидан самарали олиб борилаётган макроиктисодий ва фаол инвестиция сиёсати доирасида минтақалар инвестицион салоҳиятини янада ошириш ва бунинг асосида корхоналарга тўғридан-тўғри инвестициялар билан бир қаторда, инвестиция бозори орқали молиявий ресурсларни жалб этиш ҳамда улар ҳажмининг ўсиши бўйича илмий хулосалар, назарий тавсиялар ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқиши тақозо этади. Бу борада ҳар бир худуд, жумладан, Тошкент шаҳри инвестицион салоҳиятини оширишнинг ўрта муддатга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг доирасида қўйидаги чораларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- стратегик ва нуфузли инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмини янада тақомиллаштириш;
- минтақалардаги корхоналар транспарентлилигини ва инвестицион жозибадорлигини ошириш;
- фонд бозорининг инструментал ва институционал тузилмаларини янада ривожлантириш;
- инвестициялар бозорининг фаолият механизми ва регулятив тузилмасини тақомиллаштириш.

Фикримизча, саноатни ривожлантириш мақсадида инвестицияларни жалб этишда инвестицион сиёсатини юргизиш ва инвестицион муҳитни шакллантиришда улар қўйидагиларга, яъни:

- жаҳондаги, минтақадаги иқтисодий ҳолат ва халқаро капитал оқимлари ҳамда уларнинг сабабларини ўрганиш;
- аниқланган сабабларни таҳлил қилиб, инвестициялар оқимини ўз мамлакатига жалб қилиш бўйича инвестицион сиёсатига тегишли ўзгартиришлар киритиш;
- мамлакатнинг инвестицион салоҳияти ва инвестициялашнинг устувор йўналишларни аниқлаш;
- ушбу устувор йўналишларни ривожлантириш имкониятларини

ўрганган ҳолда тегишли имтиёзлар яратиш;

— мамлакат ҳудудларини инвестицион салоҳиятини ўрганган ҳолда инвестицион имтиёзларни ҳудудлар бўйича белгилаш;

— табиий ресурслардан фойдаланиш тартибларини умумманфаатдор шартларга келтириш;

— мамлакатда соғлом иш фаолиятини олиб бориш ушун зарур бўлган инфратузилмани шакллантириш;

— инвестициялаш билан боғлиқ ҳуқуқий базани такомиллаштариш ва қонунларнинг аморфлигини бартараф этиш кабиларга эътиборини қаратиш лозим.

Иқтисодиётни, хусусан, саноат ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантириш ва иқтисодий ўсишга эришишда хорижий инвестициялардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади;

— иқтисодиётга инвесторларни янада кўпроқ жалб этиш, лойиҳаларни тезроқ амалга оширишни таъминлаш учун ҳудудларда инвесторларни рўйхатдан ўтказиш учун хужжатларни тақдим қилишининг электрон усулини интернет орқали жорий этиш амалиётини йўлга қўйиш лозим. Бунда иқтисодиёт тармоқларига доир маҳсус интернет портал ташкил этилиб, унда чет эл инвесторларига рўйхатдан ўтиш, ҳудудда иш юритиш, ҳисбот тақдим этиш ва бошқа барча зарур маълумотлар базасини яратиш ҳамда мазкур базани узлуксиз равишида энг сўнгти маълумотлар билан тўлдириб бориш лозим;

— корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни иқтисодиётнинг асосий тармоқларига (экспортга йўналтирилган) кенг жорий этиш зарур. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Бунинг учун қуйидаги қўшимча чора-тадбирларни бажариш лозим бўлади:

- иқтисодиёт тармоқларига чет эл инвестицияларини пропорционал жалб этишнинг умумлашган аниқ дастурини ишлаб чиқиш;

- тармоқ хусусияти ва иқтисодиёт ривожига қараб эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш орқали чет эл инвестициясини жалб қилишни рағбатлантириш.

Мамдакатимизнинг макроиқтисодий, минтақавий ёки худудий инвестиция муҳитини яхшилашда устувор бўлган корхоналарнинг ташкилий-хуқуқий шакллари қандай бўлишидан қатъи назар, уларнинг инвестицион фаолиятларини қўллаб-қувватлаш лозим. Шунингдек, инвесторларни қонунчилик йўли билан ҳимоя қилиш, уларни инвестицион дастурларга киритиш, бюджет маблағларини жалб қилиш кабилар ҳам катта аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инвестицион муҳитни шакиллантиришда инфратузилма бўғинларини ривожланганлик даражаси мухим аҳамият касб этади.

Молиявий ва инвестицион ресурсларни шакллантириш бўйича ёндашувларни умумлаштириш ва тизимлаштириш уларни тартибга солиш ва рағбатлантиришнинг худудий жихатлари киртилиши заруриятини қўрсатади. Шаҳарларнинг ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал этишда улар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши билан бир қаторда ҳокимиятнинг маҳаллий органлари инвестицион фаолиятини фаоллаштириш имкониятларини ва ички захираларини мобилизациялаш зарур.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014. –746.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2014 йил 9 декабрь, ЎРҚ-380-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартериш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида” 2015 йил 4 мартағи фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 мартағи «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-4996-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2868-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 июндаги “Хорижий инвестициялар иштироқидаги «Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3053-сон Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 23 июня 415-сон қарори.
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 22-бет Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 7 (767). – 85-модда

- 10.Альмардонов М.И., Маматов Б.С. Лойиҳавий молиялаштириш (Инвестицион лойиҳалар). Ўқув қўлланма. /Тошкент давлат иқтисодиёт университети. –Тошкент: «Иқтисод-молия», 2012. – 200 б.
- 11.Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Неъматов И.У., Набиев Д.Х., Каттаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Т. Иқтисодиёт, 2010. 23-б.
- 12.Валиев Б. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ўсишли таъминлашдаги роли. Молия. Ж// 2014 й. 6-сони 106-109 б.
- 13.Газибеков Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Тошкент: Молия, 2003. -332 б.
- 14.Гусарова С.А. Роль иностранных инвестиций в модернизации экономик стран БРИКС // Международная экономика. 2014. № 9. С. 53-64.
- 15.Гуржиева К. Классификация прямых иностранных инвестиций по способам ведения международной хозяйственной деятельности // Вестник Воронежского государственного университета: Серия: Экономика и управление. 2013. № 2. С.62-69.
- 16.Доклад о мировых инвестициях 2016 г. «Гражданство» инвесторов: вывозы политики». Женева. 2016. С.В.
- 17.Захаров В. К. Иностранные инвестиции в экономике России // Экономический журнал. 2012. № 3. С. 21-27.
- 18.Ивасенко А.Г., Никонова Я. И. Инвестиции: источники и методы финансирования. – М.: Омега-Л, 2007 г.
- 19.Ильина С. А. Сущность категории «инвестиционный климат» и категории «инвестиционная привлекательность». – М.: Молодой ученый, 2012. - № 5.
- 20.Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008 г. -584 с.

- 21.Инвестиции: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по направлению подготовки «Экономика» / Б.Т.Кузнецов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006 г. – 679 с.
- 22.Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 367 с.
- 23.Международные инвестиции, путь к конкурентоспособности и развитию. Ежегодный Инвестиционный Форум. 4-7 апреля 2017 г. Дубай. [www.aimcongress.com](http://www.aimcongress.com)
- 24.Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари//Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2017. – №1. – 30-б.
- 25.Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломова Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва техналогия, 2011. – 148 б.
- 26.Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2012. – 168 б.
- 27.Узоқов А., Кенжаев Н. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Т.: Iqtisod-Moliya. 2007, 78-б.
- 28.Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
- 29.Шарп У. идр. Инвестиции. Пер. с англ. – М. ИНФРА-М, 2001. – С. 9-10.
- 30.Шафиев Р.М. Иностранные инвестиции: мирохозяйственный аспект // Международная экономика. 2014. № 10. С. 63-69.
- 31.Ўзбекистон рақамларда 2016. Т.2016. Б.161-206.
- 32.Ўзбекистон рақамларда 2017. Т.2017. Б.170-213.
- 33.Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик (тўлдирилган ва қайта ишланган нашри). Т. “Iqtisod-moliya”, 2014. 273-б.
- 34.Ўзбекистон саноати. Статистик тўплам. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2016. 103 б.

35. Malikov T.S. Moliya. O'quv qo'llanma. – T: “Iqtisod-Moliya”, 2018. – 268 b.
36. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
37. Balance of payments and international investment position manual. 6th ed. - Washington, D.C.: International Monetary Fund, 2009. P. 100- 110.
38. Borensztein, E.J., De Gregorio J. and Lee J-W. (1998). How Does Foreign Direct Investment Affect Economic Growth? *Journal of International Economics* 45 (1). Pp. 115-135.
39. De Mello, L., Jr. (1999). Foreign Direct Investment-Led Growth: Evidence from Time Series and Panel Data. *Oxford Economic Papers* 51 (1), January.
40. Decree 313/2013, Official Gazette No. 026, 23 September 2013.
41. Etihad Airways, «Etihad Airways, Jat Airways and Government of Serbia unveil strategic partnership to secure future of Serbian National Airline®, 1 August 2013.
42. Indonesia Investment Coordinating Board, Presidential Decree No. 39/2014, 23 April 2014.
43. Kim, D. D. and J. Seo. (2003). Does FDI Inflow Crowd out Domestic Investment in Korea? *Journal of Economic Studies*, 30 (6): 605-22.
44. Law No. 195-13, Official Gazette, 8 January 2014.
45. Ministry of Commerce and Industry, Press Note No. 6, 22 August 2013.
46. Ministry of Science, ITC and Future Planning, Telecommunications Business Act Amendments, 14 August 2013.
47. Ministry of Trade, Industry and Energy, «Korea Introduces Mini Foreign Investment Zones», 26 April 2013.
48. Ministry of Commerce, insurance Coverage to Foreign Buyers», 2 January 2013.
49. Ministry of Finance, «The Parliament Gave a Green Light to the Privatization of 15 Companies®, 30 June 2013.

- 50.Telematics Reform Decree, Official Gazette, 11 June 2013.
- 51.Official Gazette, 24 May 2013.
- 52.Official Gazette, No. 20 Extraordinary, Law 118, 16 April 2014.
- 53.Official Gazette, 18 December 2013.
- 54.Official Gazette, 20 December 2013.
- 55.QECD Benchmark Definition of Foreign Direct Investment, fourth edition. – Paris, France: The Organization for Economic Cooperation and Development, 2008, P. 48-49.
- 56.Shan, J. (2002a). A VAR Approach to the Economics of FDI in China. Applied Economics, 7 (34): 885-93.
- 57.Sun, HJ (1998). Macroeconomic Impact of Direct.
- 58.Van Loo, F. (1977). The Effect of Foreign Direct Investment on Investment in Canada. Review of Economics and Statistics, 59 (4): 474-81.
- 59.World investment report, UNCTAD, New York and Geneva, 2014.
- 60.World Интернет сайлари:
- <https://www.gazeta.uz/ru/2017/03/09/column/>
- [http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107036](http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036)
- <https://www.gazeta.uz/uz/2017/09/21/aqsh/>
- <https://www.gazeta.uz/uz/2017/09/21/forum/>
- <https://www.gazeta.uz/uz/2017/09/18/qozogiston/>